

ISLAMONLINE.UZ

Фикх



Козилик ҳақида



Инсонлар ўртасидаги низоли вазият ва ишларда кимнинг хак ва кимнинг ноҳаклиги тўғрисида хукм чиқарувчи шахс кози дейилади. Кози гувоҳлиги кабул килинадиган одамлар сирасидан бўлиши керак.

Агар козилик килишга одамлар орасида фактат битта кишигина ярокли бўлса, ўша одамга бу ишни килиш фарз бўлади.

Адолатли киши кози бўлиб турган пайтида пора олиш, зино килиш ёки арок ичиш каби ишларни содир этса, козиликдан хайдалади ёки ўзи дархол истеъфо бериши керак бўлади. Баъзи олимлар ундей ишларни килган кози ўз-ўзидан козиликдан бўшаб колади, дейишган. Ким кози бўлиш учун пора берса, кози деб хисобланмайди ва чикарган хукми хам хакикий саналмайди.

Иложи бўлса козининг мужтахидлик даражасидаги одам бўлгани яхши. Бундай одам козиликка бошқалардан кўра хаклироқдир.

Козиликни “мен кози бўлай” деб сўраб олинмайди. Ўзининг адолат килишига ишончи комил бўлган инсонгина козилик ишига киришади.

Козиликка тайинланган одам ўзидан олдинги козидан иш дафтарини сўраб олади. Бу дафтарда одамлар орасида чикарилган хукмлар, мажлисларнинг кайдномалари, васият когозлари ёки уларнинг нусхалари, вакф молларининг хужжатлари ва бошка бўлиб ўтган нарсаларнинг ёзма баёноти бўлади. Янги кози мана шу хужжатларга муҳтоҷ бўлгани учун икки адолатли одамни тайинлаб, уларга олдинги козидан барча хужжатларни кабул килиб олишни топширади.

Янги кози хали хукми чикмаган ишлар бўйича ўзидан олдинги, ишдан бўшаган козининг гапи бўйича хукм чикармайди. Чунки олдинги кози ишдан бўшаб оддий фукарога айланган хисобланади. Колаверса, бир кишининг гувохлиги билан хукм чикариш мумкин эмас. Бу ерда факат далил ва хужжатга суюниб иш тутилади.

Кози бирор муҳим иш билан машгул бўлиб турган-да, жахли чикиб турганда, ўта хурсанд ёки хафа чогида, оч ёки чанкок пайтида, тахорати кистаб ёки бирор жойи оғриб турганда хукм килмайди.

Кози хадя олмайди. Лекин унга иши тушиб турмаган, ўзига якин бўлган (маҳрам хисобланган) кариндошидан ёки кози бўлишидан олдин хам хадя бериб юрган одамлардан (олдинги микдорда) олиши мумкин.

Кози ўзи учун маҳсус ташкил килинган зиёфатларга бормайди.

Кози даъволашувчиларни бир хилда ўтказади (бирини пастга, иккинчисини юкорига ўтқизмайди), уларга бирдек муомала килади (улардан бирига кулиб, бошкасига хўмрайиб карамайди) ва улардан бирортаси билан пи chirлашиб гаплашмайди, шунингдек, улардан факат биттасига чой, канд-курс тутмайди. Кози уларнинг бирортасига имо-ишора килмайди ва йўл-йўрик ўргатиб турмайди.

Даъволашувчиларнинг бири ўзида иккинчисининг (даъвогарнинг) хаки борлигини тан олса ёки бу нарса далил-хужжат билан исботланса, тўлашдан бош тортган тақдирда даъвогарнинг талаби билан кози лозим топган муддатга камаб кўйилади. Бунинг учун айбланётган шахснинг ўз карзини тўлаши учун имконияти борлиги билиниши керак.

Мисол учун, айборд ўзининг камбагаллигини даъво килса, кози уни камамайди. Балки айборнинг кўни-кўшниларидан ва хамкасларидан унинг молиявий холатини сўраб-суриштиради. Агар икки киши унинг бой эканига гувохлик берса, кози айборни карзни тўлашга мажбурлаш учун камайди.

Козининг хоҳ унутиб, хоҳ атайн бўлсин, ўз мазхабига тескари чикарган хукми ижро этилмайди. Козининг хукми чикишидан олдин уламо орасида ихтилофли бўлиб турган масалага хукм чикиши билан ихтилофлигини йўқотиб, иттифоклига айланади. Бордию чикарилган хукм бошка козига хавола килинса, у хам ўша хукмни тасдиклаши керак.

Бунинг учун хукм Куръон, суннат ёки мужтахид уламонинг ижмоларига зид бўлмаслиги шарт. Акс холда бундай хукм бекор килинади.

Кози гойиб одам хакида хукм чикармайди. Бирок маҳкамада унинг вакили ёки кози унга

бош-кош килиб тайинлаган шахс (васий) хозир бўлганда, кози гойиб одам хакида хукм чикариши мумкин.

Шунингдек, куйидаги холатда хам гойиб хакида хукм чикариш мумкин: Бир одам бошканинг кўлида турган нарсанни “бу меники” деб даъво килди ва буни айни пайтда гойиб бўлган фалончидан (масалан, Ахмаддан) сотиб олганини айтди. Кўлида мазкур нарса турган шахс эса буни инкор килди. Аммо даъвогар аник хужжат-далил билан талашаётган нарса ўзиники эканини исбот килди. Шунда кози унинг фойдасига хукм килади. Сўнг халиги гойиб одам келиб “мен буни сотганим йўк” деса хам, хукм ўз кучида колади. Чунки эътибор берилса, бу холатда гойиб шахсга килинаётган даъво (“гойиб бу нарсанни сотган” дейиш), шубҳасиз равишда талашилаётган нарсанни кўлида тутиб турган одамга килинаётган даъвога (“Бу нарса сеники эмас” дейишга) сабаб бўляпти. Ўз-ўзидан маълум-ки, бу холатда нарсанни кўлида тутиб турган шахс ўзини химоя килаётиб, истаса-истамаса гойиб шахсни хам унга бўлаётган даъводан химоялайди ва худди унинг вакилидек иш олиб бораётгандек бўлиб колади.

Икки даъволашувчи томон ўзаро розилик билан (жазолаш ва касос масалаларидан бошка ишларда) козиликка салоҳияти бор кишини ўрталарида хакам килишлари мумкин. Даъволашувчи томонлар хакамнинг чикарган хукмини кабул килишлари шарт.

Шунингдек, даъволашувчилар хакамнинг хукми чикишидан олдин унинг хакамлигидан кайтишлари мумкин. Агар хакам хукми козига оширилса ва хукм козининг мазхабига мос тушса, уни ижро килади. Акс холда бекор килади.

Ота-онаси ва болалари хамда эри ёки хотини фойдасига хукм чикариш ёки гувоҳлик бериш мумкин эмас. Аммо уларнинг заарига хукм чикариш ёки гувоҳлик бериш мумкин.

Комил Музаффар, Мираваз Акмалларнинг Ханафий фиквидан зарур масалалар" китобидан.